

## **«Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний» ўрта махсус ислом билим юрти мудирининг вазифасига Жалалатдин домла Абдиразаков тайинланди**



20:31 / 28.11.2023 1566

Бугун, 28 ноябрь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари раислигида Нукус шаҳридаги «Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний» ўрта махсус ислом билим юрти педагоглари жамоаси мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Унга кўра, Шамшетдин Бауатдинов Нукус шаҳридаги «Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний» ўрта махсус ислом билим юрти мудирининг вазифасидан озод этилди. Мазкур лавозимга Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш

марказининг Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий филиалининг ўқув ишлари бўйича инспектори Жалалатдин домла Абдиразаков тайинланди.

Маълумот ўрнида, Жалалатдин домла Абдиразаков Бухоро шаҳридаги «Мир-Араб» мадрасаси, Имом Бухорий номли Тошкент ислом институти ва Қорақалпоқ давлат университетидида таҳсил олган. Меҳнат фаолияти давомида «Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний» мадрасаси ўқитувчиси, мудир ўринбосари каби вазифаларда кўп йиллар меҳнат қилган.

Жалалатдин домла Абдиразаковга мудир вазифасида иш фаолиятни янада ривожлантириш, таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш ва талабалар илм салоҳиятини оширишда Ҳақ таолодан куч-қувват тилаймиз.



